

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

PhD, доц. Шомансурова Зилола Абдувахитовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0009-5152-3518
z.shamansurova@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг иқтисодий, молиявий ва технологик асослари таҳлил қилинади. Инновациялар иқтисодиётни модернизациялаш, рақобатбардошликни ошириш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Тадқиқотда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, бошқариш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилади. Натижалар Ўзбекистоннинг глобал инновацион индексида позициясини мустаҳкамлаш ва акциядорлик жамиятларининг инновацион салоҳиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, акциядорлик жамияти, инновацион лойиҳалар, технологик янгиланиш

ФИНАНСИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ АКЦИОНЕРНЫМИ ОБЩЕСТВАМИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

PhD, доц. Шомансурова Зилола Абдувахитовна
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье анализируются экономические, финансовые и технологические основы развития инновационной деятельности в акционерных обществах. Показано, что инновации имеют ключевое значение для модернизации экономики, повышения конкурентоспособности и производства продукции с высокой добавленной стоимостью. В исследовании даны практические рекомендации по финансированию, управлению инновационными проектами и повышению их экономической эффективности. Результаты способствуют укреплению позиций Узбекистана в глобальном инновационном индексе и дальнейшему развитию инновационного потенциала акционерных обществ.

Ключевые слова: инновационная деятельность, акционерное общество, инновационные проекты, технологическое обновление.

FINANCING INNOVATIVE PROJECTS BY JOINT-STOCK COMPANIES IN THE CONTEXT OF ECONOMIC MODERNIZATION

PhD, assoc. prof. **Shomansurova Zilola Abduvakhitovna**
Tashkent State University of Economics

Abstract. This article analyzes the economic, financial, and technological foundations of developing innovative activities in joint-stock companies. It highlights the key role of innovations in modernizing the economy, enhancing competitiveness, and producing high value-added products. The study provides practical recommendations for financing, managing innovative projects, and improving their economic efficiency. The findings contribute to strengthening Uzbekistan's position in the Global Innovation Index and further developing the innovative potential of joint-stock companies.

Key words: innovative activity, joint-stock company, innovative projects, technological renewal.

Кириш.

Ҳозирги замон иқтисодиётини модернизатсиялаш шароитида инновацион фаолият иқтисодий ривожланишнинг асосий омилига айланган. Хусусан, акциядорлик жамиятлари учун инновацион жараёнларни ташкил қилиш ва уларни молиялаштириш иқтисодий самарадорликни оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Инновациялар технологик янгиликларни жорий этиш, илмий ишланмаларнинг тижоратлаштирилиши ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш орқали иқтисодий рақобатбардошликни оширади. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатнинг глобал инновацион индексида ўрнини мустаҳкамлаш мақсад қилинган. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг иқтисодий, молиявий ва технологик асослари таҳлил қилиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий самаралари баҳоланади. Тадқиқот инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича илмий ва амалий таклифларни шакллантиришга қаратилган.

Адабиётлар таҳлили.

Жаҳон тажрибасининг тасдиқлашича (Клейтон и др., 2020) замонавий шароитларда мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири билимлар трансферининг кучли тизимини шакллантириш ва уни амалиётга жорий қилиш орқали юқори қўшилган қийматли инновацион товарлар ишлаб чиқариш занжирини яратиш ҳисобланмоқда. Истиқболдаги барқарор ривожланишнинг юқорида тилга олинган омиллари инновацион фаолият яхлит тизими элементларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, уларни самарали ташкил этиш инновацион тизим элементларининг мазмуни, ички алоқадорлик қонуниятларини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Инновация тушунчасининг илк тизимли этимологик талқини Ёзеф Шумпетер (1982) томонидан берилган бўлиб, унинг фикрича инновациялар қуйидаги 5 жиҳатни ўзида мужассамлаштиради:

1. Янги техника, технологик жараёнлардан фойдаланиш;
2. Янги маҳсулотни яратиш ва бозорларга олиб чиқиш;
3. Ярим фабрикалардан фойдаланиш;
4. Ишлаб чиқаришни технологик ва ташкилий тузилмасини ўзгартириш;
5. Бозорларнинг янги сегментларини ўзлаштириш (Шумпетер, 1982).

Ушбу назарий талқинлардан кўришимиз мумкинки, инновациялар нафақат янгиликни яратиш, балки уни реализатсия қилиш билан боғлиқ жараён ҳисобланиб,

инновацион жараён субъект учун қандайдир нафлилик асосидаги рағбатлар тизимини ҳам намоён қилади.

Замонавий адабиётларда инновация категориясига тараққиётнинг замини (Vrande, Jong & other, 2009), тизимли парадигмага асосланган жараён (Chiaroni, Chiesa & other, 2010), ишлаб чиқилган ёки тизимлаштирилган ғоялар трансфери (Piller, Walcher, 2006), муаммолар банки комплекс ечими (Terwiesch, 2008), ишлаб чиқилган билимлар, интеллектуал меҳнат маҳсули (Laurson, Salter, 2006), тижоратлаштириш, оммавийлаштириш ва диффузия жараёнлари билан уйғунлашган кашфиётларнинг технологик тараққиёт тендециялари (Garcia, Calantone, 2002) каби таърифларни берилганлигини кўришимиз мумкин.

Россиялик иқтисодчилар Круглов ва Пауковлар (2020) илмий қарашларни синтез қилиш натижасида инновация категориясига жараён, ўзгаришлар, фаолият, тизим, натижа, жараён ва натижалар комплекси сифатида тизимлаштирилганлар.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий, молиявий ва технологик омилларни таҳлил қилиш учун комплекс ёндашув қўлланилди. Илмий-таҳлилий метод асосида инновацион жараёнларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди. Эмпирик маълумотлар ёрдамида инновацион лойиҳаларнинг молиявий самарадорлиги ва глобал рақобатбардошликка таъсири таҳлил қилинди. Шунингдек, статистик ва иқтисодий моделлаштириш усуллари ёрдамида инновацияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланди. Тадқиқотда тизимли таҳлил ва компаратив ёндашув усуллари инновацион иқтисодиёт стратегиясини шакллантиришга хизмат қилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолият акциядорлик жамиятларининг иқтисодий ўсиш суръатларини изчил равишда ошириш учун энг муҳим драйвер сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларида мунтазам тараққиёт касб этаётган инновацион жараёнлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига чуқур таъсир кўрсатиб, иқтисодий муносабатларни илғор технологик ёндашувлар асосида тубдан янгилаш жараёнини юзага келтирмоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 51 ва 52-мақсадларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро реал интегратсион алоқаларини тизимли шакллантириш орқали глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб энг юқори 50 мамлакатлар қаторига киритиш белгиланган (Фаромон, 2022).

Ушбу мақсадларда Республиканинг инновацион ҳудудга айлантирилаётган туман ва шаҳарларида юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган технологик янгиланиш бўйича умумий қиймати 165,9 млрд. сўмлик жами 195 та лойиҳани ўзлаштириш белгиланган.

Ушбу кенг қўламли ва стратегик аҳамиятга эга инновацион лойиҳалар, табиийки, Ўзбекистоннинг глобал инновацион индексдаги мавқеини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, йирик инновацияларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни шакллантиришда улардан оқилона фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Зеро, ушбу ресурслар асосида инновацион ташаббусларни молиялаштириш, энг аввало, инновацияларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини замонавий иқтисодий ислохотлар шароитида чуқур тадқиқ этишни талаб қилади.

Инновацияларга оид илмий-назарий қарашлар шаклланиши ва ривожланишининг тарихий манбалари шундан далолат берадики, улар, аввало, икки устувор методологик

тамойилга асосланади. Биринчиси – иқтисодийнинг циклик ривожланиш концепцияси бўлиб, унга кўра инсоният жамияти тараққиёти динамик табиатга эга, эҳтиёжлар эса чекланмаган бўлиб, доимо эволюцияланиб боради. Ана шу омил иқтисодий ривожланишни ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, жамият тараққиёти – ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида тизимли инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни самарали молиялаштириш орқали эволюцион тараққиёт жараёнини мунтазам равишда жадаллаштириб бораверади.

1-жадвал

Инновация бўйича назарий қарашлар

№	Муаллифлар	Таърифлар	Манбалар
1	Й. Шумпетер	Инновация - бу тадбиркорлик руҳи билан рағбатлантирилган ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинатсияси.	Теория экономического развития: пер. с англ. яз.-М.: прогресс, 298 с.
2	В.Р. Спенсер	Инновация – бу аниқ вазиятда мутлақо янги нарса мумкинлиги.	Иленкова С.Д и др. Инновационный менеджмент: Учебник.М.:ЮНИТИ, 2007. 368 с.
3.	Р. Дафт	Инновация фаолияти- илмий натижалар ва ишланмаларни тижоратлаштириш орқали ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологияни янгилаш, уларнинг сифатини ошириш билан ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш.	Ричард Дафт Тхе инновативе организатион: Инноватион адоптион ин счоол организатионс Ҳардсвер. Элсевиер, фирс эдितिон (УС) Фирст принтинг, 1978, 229 п.
4	И.Т. Балабанов	Инновация-янгиликларга асосланган маҳсулот ёки янги усулда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича меҳнатнинг янги усуллари қўллаш, янги ёндашув асосида назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усуллари киритиш.	Балабанов И.Т. Инновационнқй менеджмент. Учебник-СПб.:Питер, 2009.-254 с.
5	Д. М. Гвишиани	Инновация – янгиликларни яратиш, уни янги воситалар орқали амалга ошириш ва натижавийликка қадар бўлган жараённи ўз ичига оладиган умумий жараён ҳисобланади.	Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник. СПб.: Питер, 2008.-448 с.
6	Л. В. Канторович	Инновация – амалиётда қўлланадиган ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талабларни қониқтирадиган, мос келувчи соҳаларда самара берадиган илмий ихтиро ёки кашфиётлар.	Завлина П.Л и др.. Инновационный менеджмент: Ўқув қўлланма. СПб.:-Наука, 2008. – 294 с. Оголева Л.Й
7	Иан Сооке, П. Маерс	Инновация –илмий ғоядан то бозорда сотиладиган тайёр маҳсулот кўринишига эга бўлган комплекс жараён.	Иан Сооке , П Маерс Интродустион то Инноватион анд Течнологй Трансфер.- Бостон: Артеч Ҳоусе Инс., 1996.-235 с.
8	Н.М. Расулов	Инновацион фаолият ривожлаништириш ва унинг механизмини шакллантиришдир.	“Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. № 6, ноябр-декабр, 2015 г.
9	Е.О. Гаффаров	Инновация-бу янги амалий аҳамиятга эга бўлган муваффақиятини таъминловчи янгиликдир.	Научный вестник НамГУ. 2019 йил 10-сон

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

Иккинчидан, инновацияларни амалиётга жорий этиш жараёни уларга хос циклик хусусият билан тавсифланади. Жумладан, иқтисодий ўсиш суръатлари инновацион тараққиёт ҳамда товарлар ва хизматларнинг ҳаётийлик цикли билан бевосита узвий боғлиқдир. Шу боис, инновацион жараёнлар янги маҳсулот ёки хизматни бозорга олиб чиқиш билан тўхтаб қолмайди. Зеро, ҳар бир товар ёки хизмат маълум бир ҳаётийлик даврига эга бўлиб, у циклик тартибда юқори чўққига кўтарилади ва аста-секин пасаяди. Истеъмолчилар эҳтиёжларининг максимал қондирилиши ва ундан кейинги сўниши эса бозорда янги маҳсулотларга бўлган талабни юзага келтириб, технологик янгиликни асосида инновацион жараёнларнинг узлуксиз давом этишини таъминлайди.

«Инновация» тушунчаси тилимизда «янгилик киритиш» маъносини билдиради. Илмий адабиётларда инновациянинг умумий таърифи сифатида инновацион фаолият натижасида шаклландирган янги маҳсулот ёки такомиллаштирилган технологик жараённи амалиётга жорий этиш ёки мавжуд маҳсулот ёки хизмат турларини модернизация қилиш жараёни тушунилади (Сайфутдинова, 2020).

Назарий жиҳатдан олганда, акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолиятини маълум ижтимоий-иқтисодий самарага эришишга йўналтирилган, шунингдек, амалий жиҳатдан аналогига эга бўлмаган маҳсулот ёки хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёни сифатида қараш мумкин.

Акциядорлик жамиятларида инновацион жараённи жорий этиш узоқ муддатли характерга эга бўлиб, бир марта татбиқ этилган инновация ҳам вақт ўтиши билан такомиллашиб боради. Шу тариқа, маҳсулот ёки технологиянинг фойдаланиш самарадорлиги ҳамда хусусиятлари изчил равишда ошади.

Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларида инновацион жараёнлар негизини илғор техника ва технологияларни яратиш ҳамда ўзлаштириш ташкил қилади. Инновацион техника – ишлаб чиқариш омилларининг жамланмасидир; бошқача айтганда, меҳнат қуроллари, воситалари, билимлар ва кишилар интеллектуал салоҳияти саъй-ҳаракатларининг моддийлашуви ҳисобланади. Инновацион технологиялар эса шу техника асосида табиий моддаларни саноат ёки маиший маҳсулотларга айлантириш процедуралари ва усуллари мажмуини англатади.

Демак, инновация – бу бир ғоядан бошқа бир ғоягача етилиб борувчи изчил жараён бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланган аниқ маҳсулот, технология ёки хизмат кўринишида амалга оширилади.

Инновация фаолиятнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) Ишлаб чиқаришни бошлашдан олдин, маҳсулот ҳамда технологик жараёнларни илғор асосда янгилаш, шунингдек, технология ва асбоб-ускуналардан фойдаланувчи ходимларни замонавий ишлаб чиқариш усуллари татбиқ этиш мақсадида қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

б) ноу-хау, савдо маркаси, патент, лицензия, конструкторлик, технологик қурилмалар;

Илмий техника фаолияти (ИТФ) атамаси ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларнинг фан ва техника статистикасидаги асосий категория сифатида тан олинади. ЮНЕСКО тавсиясига биноан ИТФ статистик объекти сифатида унинг уч хил кўринишини қамраб олади:

- илмий тадқиқотлар ва ишланмалари;
- илмий – техника маълумоти ва кадрларни тайёрлаш;
- илмий – техника хизматлари.

ИТФни амалга оширишда илмий ишлар кўламига қўйидагилар киритиш мумкин:

– Илмий (илмий-техникавий) йўналиш – аниқ бир соҳа доирасида фан ва техникани тараққий эттиришга йўналтирилган мустақил илмий фаолият шаклидир. Шу билан бирга, муайян илмий иш ёки лойиҳани амалга ошириш бир нечта илмий

ташкilotларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида ташкил топиши мумкин;

– илмий муаммо бу илмий йўналишнинг бир қисми бўлиб, унда муаммони ҳал этишнинг мумкин бўлган битта ечими берилади;

– Илмий ишлар яхлит илмий-техника дастури доирасида ечим топиши мумкин. Бу жараёнда ресурс дастурлари, ижрочилар ва иш муддатининг ўзаро узвий боғлиқлиги таъминланади. Шу орқали илмий фаолиятни мувофиқлаштириш ва унинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш мақсадида акциядорлик жамиятларида назоратли синов жараёнлари амалга оширилади;

– Илмий мавзу — муайян муаммонинг бир қисмини қамраб олиб, илмий ташкилот доирасида ечим топадиган мақсадли илмий фаолият ҳисобланади. У молиялаштириш, режалаштириш ва иш жараёнини баҳолашда дастур ёки режанинг асосий қисми сифатида эътироф этилади. Илмий мавзунинг бош мақсади ёки иқтисодий тадқиқотлар билан боғлиқ вазифаларни самарали ечимини топишдан иборат. Мавзу мураккаблигига қараб йирик ёки кичик босқичларга ажратилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, янги ишланмаларни яратиш ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш учун молиявий ресурсларни йўналтириш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олувчи йўналишлар акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолияти сифатида талқин этилади. Мазкур фаолият доирасида илмий ғоялар, илғор ишланмалар, техник янгиликлар ва замонавий бошқарув муносабатлари бирлашиб, умумий маънода “инноватция” тушунчасини шакллантиради.

Акциядорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқариш инноватцияси – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини англатади. Бу каби инновацион маҳсулотни мавжуд асбоблар ёки амалдаги ишлаб чиқариш усуллари билан ишлаб чиқариш имконсиз ҳисобланади. Шу боис, инновацион лойиҳанинг молиявий ресурслар билан таъминланиши, унда қатнашувчи ижрочилар ҳамда аниқ мақсадни амалга оширувчи шахслар ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради. Шунингдек, мазкур жараён мамлакатимизда илм-фан тараққиётини рағбатлантирувчи чора-тадбирлар тизими билан чамбарчас боғлиқдир.

Мақсади аниқланган илмий лойиҳаларнинг техник ва иқтисодий ечимлари уни амалиётга жорий этишда аниқ берилади ва унинг иқтисодий самарадорлиги белгиланади.

Акциядорлик жамиятларининг инновациялар илмий-техник аҳамиятга эга. Улар қўйидагилар:

-модернизатсиялашган – бунда асосий конструкцияси ёки таянч технология тубдан ўзгармайди. Яни самарадорликни ошириш бўйича янгилик қўшилади;

–Новаторлик – янги маҳсулот конструкциясининг элементлари олдинги аналогларига нисбатан муҳим таркибий фарқларга эга бўлишида намоён бўлади. Масалан, янги технологияни харид қилиш, мавжуд технологияларни замонавий автоматлаштириш воситалари билан бойитиш ёки аввал ушбу турдаги маҳсулот конструкцияларида қўлланмаган, бироқ бошқа маҳсулот турларида самарали қўлланиб келган технологияларни амалиётга жорий этиш новаторлик кўринишлари сирасига киради.

–илғор технологик – бунда маҳсулот конструкцияси илғор техник қисмларига боғлиқ бўлади. Яни тракторсозликда герметик кабиналар, илгари ҳеч қаерда қўлланмаган замонавий двигателлар жорий қилишдан иборат бўлади;

–пионер – яъни олдин ишлаб чиқаришда мавжуд бўлмаган, эскисига қараганда замонавий вазифаларни бажарадиган техникалар, машиналар ва усуллар асосида иш олиб борилади.


Лойиҳанинг самарадорлик даражаси, акциядорлик жамиятларида инновацион жараённинг мураккаблиги, давомийлиги, ижрочилар таркиби, лойиҳанинг кўлами ва

иқтисодий натижавийлиги билан белгиланади. Бу омиллар эса, ўз навбатида, инновацион лойиҳаларни бошқариш мазмуни ва жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳал этиладиган масалалар кўлами нуқтаи назаридан акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳалар қуйидаги расмда ўз аксини топган турларга тақсимланади. Ушбу расмда кўриниб турганидек, лойиҳалар хусусиятларига кўра турли хил таснифланиши мумкин (Саидова ва бошқалар, 2012):

1) Монолойиҳалар – корхона томонидан аниқ бир маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилади. Бундай лойиҳаларни бошқариш ваколати, одатда, акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ёки инновацион лойиҳаларни амалга оширувчи молиявий менежерлар зиммасига юкланади;

2) Мултилойиҳалар – мавжуд муаммони илмий ғоялар уйғунлигида ҳал этиш мақсадида, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва муассасалар ҳамкорлигида инновацион режани амалга ошириш учун бир нечта монолойиҳаларни бирлаштирувчи ягона дастурлар доирасида ташкил этилади;



1-расм. Лойиҳаларнинг таснифлаш хусусиятлари

Манба: муаллиф томонидан тuzилган.

3) Мегалойиҳалар – турли корхоналар биргаликдаги ягона мақсадлар асосида турли хил лойиҳалар ҳамда бир нечта кичик лойиҳаларни бирлаштирувчи кенг қамровли ташаббуслар мажмуасидир. Одатда, бундай лойиҳаларни бошқариш марказлашган молиялаштириш орқали амалга оширилади.

Мегалойиҳаларни амалга ошириш жараёнида нафақат ҳудудлар ёки соҳалар, балки турли корхоналар ва ҳатто мамлакатлар ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Шу билан бирга, инновацион лойиҳалар асосида бажарилган ишлар ва улар учун сарфланган молиявий маблағлар турли муддатларда амалга оширилгани бўйича таҳлилий кўриб чиқилади.

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида, аввало, уларнинг олдиндан аниқланган мақсадларига эришиш назарда тутилади. Шу билан бир қаторда, ҳар бир инновацион лойиҳа ўз ҳаётийлик даври босқичларига эга. Мазкур босқичлар ҳамда улар билан боғлиқ асосий вазифаларни биз қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳанинг ҳаётийлик даври босқичлари мазмуни

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг инвестицион босқичлари		Инновацион лойиҳа босқичлари		
Инновацион лойиҳаларни инвестициядан олдинги босқичи	инновацион лойиҳаларни ҳужжатлаштириш	Савдолар ўтказиш	Инновацион лойиҳани амалга ошириш	Инновацион лойиҳанинг якунланиш муддатига аниқлик киритиш
Инновацион лойиҳалар кўрсаткичлари башоратларни ўрганиш	Лойиҳа-тадқиқот ишлари режасини ишлаб чиқиш	Шартномалар тузиш	Лойиҳани амалга ошириш босқичларини тасдиқлаш	Ишга тушириш-созлаш ишлари
Бошланғич ғояни амалга ошириш учун шароитлар ўрганиш, лойиҳа ғоясини ишлаб чиқиш	Техник иқтисодий асосларини (ТИА) ишлаб чиқиш, дастлабки ва якуний ТИА	Асбоб-ускуналар етказиб бериш шартномаси	Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқиш	Объектни ишга тушириш
Инвестициялашдан олдин лойиҳани асослаб бериш	ТИАни мувофиқлаштириш, экспертизадан ўтказиш	Пудрат ишларини амалга ошириш шартномаси	Ишларни босқичма-босқич бажариш	Молиявий ва меҳнат ресурсларни жалб қилиш қилиш
Жойлаштирув жойини танлаш ва келишиб олиш	Лойиҳалаштиришга топшириқ бериш	Мол етказиб бериш режаларни ишлаб чиқиш	Мониторинг ва назорат	Эксплуататсия ва амалга ошириш
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг экологик жиҳатлари	Ишлаб чиқаришни режалаштираш	Сотиш режаси	Лойиҳа режа тузатиш	Ишлаб чиқаришни амалга ошириш
Экспертлар хулосаси	Инвестициялаш ҳақида қарор қабул қилиш		Инновацион лойиҳа доирасида бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш	Лойиҳани тугатиш, асбоб-ускуналарни харид қилиш

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилади:

1. Илмий ғояга эга бўлиш;
2. инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда имкониятлар мавжудлигини ўрганиш;

3. инновацион лойиҳани техник-иқтисодий жиҳатларига эътибор бериш лозим;
4. инновацион лойиҳаларни амалга оширишда муҳим шартномаларни тайёрлаш;
5. корхоналар ишлаб чиқаришини амалга ошириш учун фойдаланиладиган асосий воситалар ҳолатини ўрганиш;
6. қурилиш ёки монтаж ишларига алоҳида эътибор қаратиш;
7. инновацион лойиҳа объектини ишга қўшиш;
8. инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий кўрсаткичлар назорат қилиш.

Акциядорлик жамиятлари инновацион лойиҳаларнинг бўлимлари қуйидагилар иборат бўлади:

- тижорат ғоясининг долзарблиги;
- илмий ғоялар мавжуд ёки лойиҳани амалга оширишда вужудга келадиган муаммоларни ўрганади;
- лойиҳа натижавийлигига эришиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади;
- инновацион лойиҳа доирасида бирлашган субъектлар томонидан амалга оширилади;

Ушбу босқичда инновацион лойиҳаларда иштирок этадиган ғоя муаллифининг ишбилармонлик режаларига қараб, уларнинг амалга ошириш муддатлари ва манбаларини аниқлаб олиш зарур.

Инвестициялар объектлари қаторига қуйидагилар киради:

- янги ғоялар қурилиш объектлари, қайта таъмирланаётган корхоналар, қурилмалар;

- қуриладиган ёки қайта таъмирланаётган қурилишлар, корхоналар;

Инвестициялар инновацион лойиҳани амалга оширилиши учун турли хил шакллари иштирок этиши мумкин:

- нақд ва нақдсиз маблағлар, омонатлар, айланма ва айланмадан ташқари маблағлар, қарзли, улушли қимматли қоғозлар, қарз маблағлари;
- мол-мулклар;
- қурилиш объектлари, машина ва техникалар, турли хил жиҳозлар;
- пул қийматига эга бўлган бошқа ҳуқуқлар.

Инвестицион имкониятларнинг мавжудлигини қуйидагилар акс этади:

- экспорт ва импорт учун маҳсулотларни аниқлаш;
- маҳсулотларнинг таннархига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- лойиҳани амалга оширишда унинг қатнашчиларининг мулкчилик шакллари бўйича синфлаш ва уларни саралаш;
- лойиҳа бўйича жалб қилинаётган маблағларнинг ҳисобини юритиш;
- техник иқтисодий асослари бўйича назоратни олиб бориш;
- инвестицион маблағлари жалб этиш манбаларини аниқлаш;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш муддатларига аниқлик киритиш.

Инвестицион имкониятлар таҳлилини амалга ошириш сабабларидан бири – инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилинган инвесторларга лойиҳа бўйича аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган маълумотларни тақдим этишдир. Айрим ҳолатларда, акциядорлик жамиятларининг инвестицион салоҳияти паст бўлса, инвесторлар бундай лойиҳадан воз кечиши мумкин. Лойиҳанинг ижобий натижа билан яқунланиши учун қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

- лойиҳа бўйича қонун доирасида тузилган стратегияни тузиш;
- қурилишни ташкил этиш бўйича ҳужжатларини тайёрлаш;
- инновацион лойиҳа доирасида ташкил этиладиган корхона мулкчилик шаклига аниқлик киритиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- молиявий ҳисоботлар андозасига асосан ҳисоб-китобини олиб бориш;
- акциядорлик жамиятларининг жорий капиталга эҳтиёжини ўрганиш, лойиҳани молиялаштиришдаги субъектларни аниқлаш, валюта курсларини ўрганиш;

– лойиҳани шартнома бўлимларига риоя қилмаслик асосида ишни тўхтатиш шартларини ишлаб чиқиш.

Инновацияларни шакллантириш ва уни жорий этиши, ўзлаштирилган объектларда корхонани муваффақиятли амал қилиш ва янги йўналишларга кириш имкониятини беради. Акциядорлик жамиятларида инновациянинг ривожланишига қуйидагилар таъсир этади:

- корхонада олиб борилаётган илмий-техник салоҳияти;
- корхонанинг моддий базаси;
- ресурсларнинг асосий турлари;
- инвестициялар салмоғи;
- бошқариш тизимининг замонавийлиги.

Инновация стратегияси асосида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятнинг мақсади ва инновация вазифалари ётади. Иқтисодий модернизиация шароитида акциядорлик жамиятларининг асосий мақсади фойда олиш ва уни юқори даражага етказишдан иборатдир.


Акциядорлик жамияти мақсадга эришиш учун қуйи босқичдан бошлайди. Ижтимоий-иқтисодий мақсадга эришишнинг иккинчи даражасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиши;
- бозордаги улушнинг кўпайиши;

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, инновация тушунчаси иқтисодий мазмунни жиҳатидан жуда ранг-баранг бўлиб, уни тизимли парадигма асосида бошқариш ва молиявий таъминлаш жараёни билан инновациянинг моддий негизи ўртасидаги диалектик боғлиқликни ҳам атрофлича ўрганиш талаб этилади. Шу ўринда, Калифорния университети бизнес мактаби очиқ инновациялар маркази директори Г. Чесбро таъкидлаганидек, технологиялар имитацияси очиқ инновацияларнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда тизимли ёндашув парадигмаси асосида ташқи билимлар ва технологияларни излаш, топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалалари устувор аҳамият касб этади.

Табиийки, инновацияларнинг моддий негизи муайян билимларга асосланади. Бироқ, иқтисодчи С. Торнхилл таъкидлаганидек, билимлар – инновация эмас, балки ресурс сифатида кўрилиши мақсадга мувофиқдир. Демак, билимларнинг ўзини инновация деб қабул қилиш тўғри бўлмайди. Фақат уларни тизимлаштириб, тижоратлаштириш ва муайян ижтимоий-иқтисодий самарага эришгандагина улар ҳақиқий инновация сифатида намоён бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда инновацион фаолият комплекс тушунча сифатида қуйидагича тизимлаштириш мумкин.



2-расм. “Инновациялар” категориясининг мазмуни бўйича ўзига хос жиҳатлари

Манба: интернет манбалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, инновацион фаолият:

Биринчидан, билимлар, ғоялар ва технологик ишланмаларни янгилик сифатида амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ босқичма босқич реализатсия қилинадиган алгоритмик жараёндир.

Иккинчидан, инновацион фаолият натижасида илмий техник тараққиёт (ИТТ) ёки илмий техник инқилобни (ИТИ) намоён қилувчи ўзгаришлар кузатилади.

Учинчидан, инновациялар ижтимоий ёки иқтисодий тавсифдаги маълум натижага асосланади.

Тўртинчидан, инновацион фаолият кўплаб ўзаро боғланган ва ўзаро алоқадорликка асосланган элементлар мажмуасидан иборат. Ушбу элементлар ўзаро алоқадорлик қонуниятлари инновацион фаолият механизмни ўзида мужассамлаштириб, бошқарув тизимининг махсус соҳаси сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Бешинчидан, инновацион фаолият юқори рисклар билан боғлиқ ва стратегик ўсиш ҳамда рақобат муҳитини сақлаб қолишнинг муҳим омили сифатидаги махсус фаолият тури ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодиётни модернизатсиялаш жараёнида инновацион фаолият акциядорлик жамиятларининг рақобатбардошлигини оширишда стратегик аҳамиятга эга. Инновациялар технологик янгиланишни, илмий-тадқиқот ишлари ва техникавий ривожланишнинг интегратсиясини таъминлаб, иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнда акциядорлик жамиятлари янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, юқори қўшилган қийматли технологияларни жорий этиш ва глобал бозор эҳтиёжларига мослашиш орқали ўз иқтисодий салоҳиятини ошириши мумкин.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқаришда рискларни бошқариш механизмлари, ресурслардан самарали фойдаланиш ва иқтисодий-ижтимоий нафлиликни таъминлаш муҳимдир. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси доирасида инновацион иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлаш учун илмий ва технологик инновацияларни ривожлантиришга устувор эътибор қаратилиши зарур. Шу билан бирга, жамиятда илм-фан ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни шакллантириш иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқади. Бу жараён давомида акциядорлик жамиятларининг роли муҳим бўлиб, уларнинг инновацион салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш иқтисодий барқарорлик ва фаровонликни таъминлайди.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Chiaroni D., Chiesa V., Frattini F. (2010) *Unravelling the Process from Closed to Open Innovation: Evidence from Mature, Asset-intensive Industries // R&D Management. Vol. 40. P. 222–245.*

Garcia R., Calantone R. (2002) *A Critical Look at Technological Innovation Typology and Innovativeness Terminology: A literature review // Journal of Product Innovation Management. Vol. 19. P. 110–132. doi: 10.1111/1540-5885.1920110.*

Laurson K., Salter A. (2006) *Open for Innovation: The Role of Openness in Explaining Innovation Performance among U.K. Manufacturing Firms // Strategic Management Journal. Vol. 27. P. 131–150.*

Piller F.T., Walcher D. (2006) *Toolkits for Idea Competitions: A novel method to integrate users in new product development // R&D Management. Vol. 36. P. 307–318.*

Terwiesch C., Xu Yi. (2008) *Innovation Contests, Open Innovation, and Multi-agent Problem Solving // Management Science. Vol. 54. P. 1529–1543.*

Van de Vrande V., de Jong J.P.J., Vanhaverbeke W., de Rochemont M. (2009) *Open Innovation in SMEs: Trends, Motives and Management Challenges // Technovation. Vol. 29. P. 423–437.*

Кристенсен Клейтон М., Рейнор Майкл Э., Макдональд Рори (2020) «Что такое подрывные инновации?» // Harvard Business Review. [ISSN 0017-8012](#). 16 августа.

Саидова Г.А. ва бошқалар (2012). Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 5, июль, 1-8 б.

Сайфутдинова Н.Ф. (2020) Ўзбекистонда инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябр-октябр, 134-140

Фаромон (2022) Қаранг: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фаромонига 1-илова. 51,52-мақсадлар. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

Шумпетер Й. (1982) Теория экономического развития: пер. с англ. яз.-М.: Прогресс. - 298 с.